O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 2000 йил, 20 октябрь ✡ Жума кунлари чиқади № 38 (273) ✡ Сотувда эркин нархда

● *Ҳафтанинг муҳим воқеалари*

ЯКДИЛЛИК – МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИНИНГ МЕЗОНИ

16 октябрь куни Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неждет Сезер расмий ташриф билан мамлакатимизга келди

«Дўрмон» қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтгач, икки мамлакат Президентлари Ислом Каримов ва Аҳмет Сезер яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Президентларнинг музокараларидан кейин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувида таъкидланганидек, суҳбат чоғида томонларнинг қатор халқаро ва минтақавий муаммолар бўйича якдил экани аён бўлган. Бу якдиллик ўзаро муносабатлар ривожига катта туртки бўлиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги дўстона алоқалар икки мамлакат халқлари учун ҳамиша алоҳида эътиборда бўлиб келган. Ислом Каримовнинг Туркияга, расмий Анқара раҳбариятининг Ўзбекистонга ташрифлари катта эътиборга молик воқеа сифатида қарши олинади. Айтиш мумкинки, Аҳмет Сезернинг Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонга буюрган мазкур илк расмий ташрифи ҳам ана шундай руҳда бошланди.

Президентларнинг яккама-якка суҳбатида ҳам, икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳам ўзаро муносабатларга оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Иқтисодиёт борасида товар алмашув ҳажмини ошириш, мавжуд алоқаларни кенгайтириш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш борасида ўзаро фаол фикр алмашилиб, бу мақсадлар йўлида икки томондан ҳам бор имкониятларни ишга солишга келишиб олинди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик барқарор ривожланяпти. Бугунги кунда мамлакатимизда Туркия ишбилармонлари иштирокида тўрт юзга яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида иш юритмоқда. Юртдошларимизга «СамКочавто», «Демир», «Косонсой — Текмен» каби корхоналар, «Айсел», «Аларко» каби компаниялар яхши таниш.

Умуман олганда, савдо-иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилган. Бунинг ҳуқуқий пойдевори ҳам мустаҳкам. Аммо, очиғини айтганда, ҳозирги кунда бу борадаги алоқалар кутилган суръатга ва имконият даражасидаги самарага эга эмас. Аҳмет Сезернинг таъкидлашича, ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 150 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу кўрсаткич мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳиятига мос эмаслиги кўриниб турибди. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Туркия ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Президентлар томонидан имзоланган қўшма баёнот бу сусткашликни бартараф этишга хизмат қилади.

«Дўрмон»даги музокаралар чоғида ижтимоий, маданий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Президент Ислом Каримов ҳамкорлик борасида қабул қилинган қўшма баёнот келгусида ана шу соҳалар бўйича тузилиб, амалга ошириладиган улкан лойиҳалар учун ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлади.

Президентлар имзо чеккан иккинчи муҳим ҳужжат Ўзбекистон билан Туркия ўртасида терроризм, наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотдир. Сир эмаски, асримиз сўнггида инсоният катта муаммоларга дуч келди. Бу бутун жаҳон бўйлаб кенг тарқалаётган халқаро терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик каби иллатлардир. Олам аҳлининг қаттиқ ташвишга тушаётгани шундаки, бу иллатларнинг барчаси бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини келтириб чиқармоқда. Зеро, терроризм ортида гиёҳвандлик моддалари савдоси, унинг ортида эса уюшган жиноятчилик турибди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Ўзбекистон ва Туркиянинг бундай иллатларга қарши кураш масаласидаги якдиллиги ва бунинг натижаси ўлароқ, икки давлат раҳбарлари томонидан қўшма баёнот имзоланиши жуда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, терроррга қарши курашда муросасиз бўлган Туркия шу вақтгача бу борада катта тажриба орттирган. Ўзбекистон учун бу тажриба қўл келиши тайин. Лекин айни чоғда терроррга қарши курашда бир томонлама ёрдам кўрсатиш ҳақида гап кетаётгани йўқ. Бошқача айтганда, икки мамлакат ҳам бир-бирига ёрдам беради. Президентлар бу борада қўшма баёнот қабул қилган бўлса, Ўзбекистон Мудофаа вазири Қодир Ғуломов ҳамда Туркия Қуролли кучлари Бош штаби бошқармаси бошлиғи генерал-лейтенант Унол Унсипоҳи ўғли бу баёнотни ҳар томонлама мустаҳкамлайдиган ва кучайтирадиган бошқа ҳужжат — ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга имзо чекишди.

Музокаралар натижаси ҳақида муайян хулоса чиқариш учун учрашув якунида Президентлар таъкидлаган бир гапни эслаш кифоя. Давлат раҳбарлари мулоқотлар қизиқарли ва мазмунли ўтганини, улардан қониқиш ҳосил қилганликларини қайд этишди. Ислом Каримов Туркия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш йўлида ташланган муҳим қадам бўлишини таъкидлади.

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезер 17 октябрь куни Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Хотира ва қадрлаш майдонини зиёрат қилди ва Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Туркиялик олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи давлат музейини томоша қилди. Бу ерда Туркия Президентига буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг давлати ва темурийлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Туркия Президенти музей зиёрати сўнггида фахрий меҳмонлар китобига дастхат битар экан, журналистларга Ўзбекистонга сафари жуда самарали кечганини айтди:

— Музокаралар чоғида муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон томони билан фикрларимиз бир хил эканлиги намоён бўлди, — деди у. — Мавжуд муаммоларнинг барчаси ҳал этилди, дейиш мумкин.

Шу билан Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди. Шу ернинг ўзида мамлакатимиз раҳбари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

— Туркия билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш катта аҳамиятга эга, — деди Ислом Каримов. — Зеро, Туркия ҳарбий жиҳатдан қудратли давлат бўлиши билан бир қаторда, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва халқаро терроррчиликка қарши курашда бой тажрибага эга. Аҳмет Сезер билан музокаларда фақатгина бу масала билан чекланиб қолмаганимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Биз икки томонлама муносабатларга доир кўплаб масалаларни кўриб чиқдик. Ўйлайманки, ўтказилган музокаралар ва қабул қилинган ҳужжатлар яқин орада ўз самарасини бера бошлайди.

(ЎзА).

ТАШРИФ ЯКУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизматида Украина Президенти Леонид Кучма ва Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезернинг мамлакатимиздаги расмий ташрифлари ва давлатимиз раҳбари Ислом Каримов билан ўтказган музокаралари якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлди. Унда мамлакатимиз ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Ўзбекистон Президентининг матбуот котиби Р. Жумаев иштирок этди.

Украина ва Туркия Президентларининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ушбу ташрифлар чоғида мазкур давлатлар билан Ўзбекистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларида талай ҳужжатлар имзоланди, томонларни қизиқтирган кўплаб масалалар бўйича фикр алмашилди. Бу мулоқотлар яқин кунларда амалий натижа бериши шубҳасиз.

Анжуманда А. Комилов Украина ва Туркия Президентларининг мамлакатимизга ташрифи самарали бўлганини, ўзаро якдиллик руҳида ўтганини таъкидлади.

Украина Президенти Леонид Кучманинг Ўзбекистонга сафари мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига, транспорт коммуникацияларининг ривожланишига янада кенг йўл очиб берди. Туркия Президенти Аҳмет Сезернинг ташрифи эса хавфсизлик соҳасида ўзаро алоқаларни кенгайтиришга имконият яратди.

Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҚЎШМА БАЁНОТ

Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар,

Томонлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик иккала давлат халқларининг манфаатларини ифодалаши ҳамда жаҳонда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этиб,

икки томонлама муносабатларни тенглик, адолат ва ҳамжиҳатлик принциплари негизига қуришга интилиб,

сиёсий, иқтисодий, экологик ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада кучайтириш ва унинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга интилиб,

қуйидагиларни баён қиладилар:

1. Томонлар бундан кейин ҳам ўзаро дўстона муносабатларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг принциплари, мустақиллик ва суверенитетни ҳурмат қилиш, ҳududий яхлитлик ва ички ишларга аралашмасликни, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва меъёрларини ҳурмат қилиш асосида ривожлантириш ниятидалар.

2. Томонлар икки томонлама ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганини қайд этиб, сиёсий мулоқотни ривожлантириш ва ўзаро қизиқиш уйғотувчи масалалар бўйича фикр алмашиш мақсадида турли даражаларда икки томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш орқали уни янада чуқурлаштиришга интилишларини билдирадилар.

3. Томонлар БМТ, ЕХҲТ, Европа-Атлантика шериклик кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида барқарор тинчлик ва хавфсизликнинг таъминланиши ҳамда халқаро ҳамжамият билан уйғунлаштирувни доимий равишда ривожлантириш учун самарали ҳамкорлик зарурлигини таъкидладилар.

4. Томонлар Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш Осиёда ва бутун жаҳонда тинчликни ва изчил тараққиётни сақлашда аҳамиятга эгалигини қайд қиладилар.

5. Томонлар тез фурсатда Афғонистон муаммосини тинчлик йўли билан ҳал этилиши минтақада ва бутун жаҳонда барқарорликка ва хавфсизликка хизмат қилади деб ҳисоблайдилар.

6. Томонлар экстремизм, халқаро терроризм ва давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ҳамда суверенитетига қарши қаратилган ҳар қандай шаклдаги хуружларга қарши боришларини баён қиладилар.

7. Туркия Ўзбекистоннинг ЕХҲТ Истамбул саммитида баён этилган БМТ доирасида Терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ тузиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашни давом эттиради.

8. Томонлар ўз давлатларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш, мудофаа идоралари ва бошқа ваколатли органларининг терроризм, уюшган жиноятчилик, шунингдек, ноқонуний равишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни етиштириш, ишлаб чиқариш ҳамда ноқонуний юргизишнинг олдини олиш, уларга барҳам бериш ва текшириш соҳасидаги қалин ҳамкорлигини таъминлайдилар.

9. Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида терроризмга, гиёҳвандлик воситалари контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида Қўшма Баёнот доирасида экстремизм ва халқаро терроризмга қарши қаратилган ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг вакилларидан иборат бўлган Қўшма ишчи гуруҳни тузиш тўғрисида аҳдлашиб олдилар.

10. Томонлар ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳамкорликнинг ҳуқуқий негизини шакллантириш зарурлигини қайд қилиб, Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида Битимни имзолаш ва рўёбга чиқаришга алоҳида аҳамият берадилар.

11. Томонлар Орол денгизи ҳавзасининг экологик муаммоларининг жиддийлигини қайд қилиб, уларни ҳал этиш юзасидан икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятларини кўриб чиқадилар.

12. Томонлар иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланишини таъминлаш учун Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўзбек-турк ҳукуматлараро комиссияси ва Амалий Кенгаши фаолиятини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

13. Томонларнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги бундан буён ҳам тенг иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар барпо этиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик негизида кенгайтирилади.

Бунинг учун Томонлар бир-бирига иқтисодий ҳамкорликнинг барча соҳаларида халқаро мажбуриятлари доирасида энг қулай шароит яратиш чораларини кўрадилар.

14. Томонлар савдо алмашувининг барча шаклларини, кичик ва ўртача корхоналарнинг иқтисодий ҳамкорликда фаол иштирок этишини, молиявий ҳамда иқтисодий сиёсат юзасидан зарур тижорий ва иқтисодий ахборотни, фикр ва тажриба алмашишни, қўшма корхоналар тузилиши ҳамда фаолият юритишини, шунингдек, ишлаб чиқариш, инвестиция, банк ва тижорат соҳаларидаги ҳамкорликнинг бошқа илғор шаклларини қўллаб-қувватлайдилар.

15. Томонлар кўп томонлама ва икки томонлама аҳдномаларга асосланиб, йўловчи ва юк ташувчи транспорт соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтирадилар ҳамда ўз ҳудудларида йўловчилар ва юкларни ташиш (бунга транзит ташиш ҳам киради) учун қулай шароитларни муҳайё этадилар.

16. Томонлар тарихан юзага келган маданий, инсонпарварлик, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, умуман, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан туркийзабон давлатлар раҳбарларининг йиғилишларига муҳим аҳамият берадилар.

17. Томонлар бундан буён ҳам ўз халқларининг манфаатлари йўлида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш учун ҳамкорлик қиладилар ҳамда йигирма биринчи асрда тинчлик ва барқарорликка эришиш учун интиладилар.

Ўзбекистон Республикаси номидан	Туркия Жумҳурияти номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти	**Туркия Жумҳурияти Президенти**
И. А. КАРИМОВ	**А. Н. СЕЗЕР**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 16 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида терроризм, гиёҳвандлик воситалари контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида ҚЎШМА БАЁНОТ

Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар,

терроризмнинг, гиёҳвандлик воситалари контрабандасининг ва уюшган жиноятчиликнинг хавфсизлик ва барқарорликка солаётган таҳдиди кучайиб бораётганлиги сабаблари ва кўриниши қандай бўлишидан қатъи назар, қабул қилиб бўлмайдиган ҳол эканлигини назарда тутиб,

терроризмнинг идеологияси, қўллаётган методлари жиҳатидан инсон ҳуқуқларига, ҳозирги жамиятнинг асосий эркинликларига ва демократия тамойилларига, халқаро тинчлик ва хавфсизликка ҳамда Томонларнинг дўстона муносабатларига таҳдид солаётганини қайд этиб,

халқаро терроризмга қарши кураш борасидаги шартномаларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида ишончли ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини ташкил этган Гиёҳвандлик воситалари ҳамда психотроп моддаларни ғайриқонуний тарқатишга ва терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида 1993 йилдаги Битимга асосланиб ҳамда ушбу ҳужжатлар асосида ҳамкорликни янада кучайтириш ниятида келишган ҳолда,

террорчиликнинг олдини олиш ва тубдан йўқ қилишга, шу жумладан, террорчилик ҳаракатларининг сабабчиси бўлган шахсларни адлия органларига топширилишига қаратилган икки томонлама ва халқаро савияда самарали чоралар кўрилиши лозимлигига иноний,

террорчиларнинг мақсади Марказий Осиёдаги давлатларнинг демократик ва дунёвий тузилишига путур етказиш, шунингдек, бу давлатлар томонидан амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотларга тўсқинлик қилиш эканлигини англаган ҳолда қуйидагиларни баён қиладилар:

Томонлар терроризмни қатъиян қоралашларини тасдиқлаб, сиёсий, идеологик, этник, диний ёки бошқа бирон-бир мақсадда бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай турдаги террорчилик фаолияти ноқонуний деб топилишини таъкидлайдилар.

Томонлар ҳар бир мамлакат ўз фуқаролари ва мамлакат ҳудудида яшаб турган бошқа шахсларни зарур ва самарали қонуний чораларни кўрган ҳолда террорчилик босқинларидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи ва мажбуриятига эга эканликларини тасдиқлайдилар.

Террорчиликка қарши кураш олиб боришда икки мамлакат ўртасида ўзаро ёрдамни янада кучайтириш ва бу соҳадаги ҳамкорликка муассасавий тус бериш мақсадида, Томонларнинг тегишли ташкилотлари иштирокида таъсис этилган мутахассислар гуруҳи муайян даврларда йиғилиб, терроризмга қарши зарур тадбирлар юзасидан маълумот алмашадилар ва музокаралар олиб борадилар. Томонлар учрашувлар вақтини дипломатик каналлар орқали аниқлаб олинади, деб келишиб олдилар. Томонлар жиноятчиларни ушлаб бериш масалаларида ҳамкорлик қиладилар.

Томонлар ушлаб бериш ҳақида қарор қабул қилишда террорчилик актлари сиёсий жиноят деб баҳоланмаслиги тўғрисида келишиб олдилар.

Томонлар ушбу ҳамкорлик Томонларнинг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларига дахл қилмайди, деб таъкидлайдилар.

Томонлар террорчиларга бошпана ҳуқуқи бериш, уларнинг ўқув лагерлари қуриши, қурол ва ҳарбий аслаҳа ташиши, маблағ йиғиши, даволаниши, дам олиши, уюшиши ва тарғибот олиб боришига ҳамда террорчилик мақсадлари учун учинчи давлатлар ҳудудларидан фойдаланишларига имкон бермайдилар.

Томонлар террорчилик гуруҳларининг ноқонуний йўллар билан топган маблағларини легаллаштириш учун банк ҳамда бошқа молиявий ва иқтисодий муассасалар билан уларнинг боғланишларига йўл қўймайдиган чоралар кўрилиши зарурлигини таъкидлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси номидан	Туркия Жумҳурияти номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти	**Туркия Жумҳурияти Президенти**
И. А. КАРИМОВ	**А. Н. СЕЗЕР**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 16 октябрь.

● *«Обуна-2001»*

ТАРТИБ ҲАМОН ЭСКИЧА

Обуна борасида шуни айтишим керакки, айрим муштарийлар ўзининг шароити, иқтисодий ҳолатини ҳисобга олиб, газета ва журналларга 3 ойга, 6 ойга ёки бир йилга тўлиқ ёзиладилар. Лекин, кейинчалик ана шу 3 ойлик ва 6 ойлик обуналарини давом эттирмоқчи бўлганида «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг жойлардаги вакиллари буюртмачига бу ишни камида бир ой илгари амалга ошириш зарурлигини айтадилар. Масалан, мен «Халқ сўзи» ва «Адолат» газеталарига 2000 йил июль–август–сентябрь ойлари учун 1 июнь куни қўшимча обуна бўлдим. Лекин, бу ишни май ойида қилмаганим учун июль ойи давомида бу газеталарни ололмай қолдим. Орада бир ой узилиш бўлиб қолди. Бу ҳолат эса газета ва журналларни мунтазам ўқиб борувчи муштарийлар учун ниҳоятда оғир! Наҳотки, ҳозирги компьютерлар тараққий этган даврда буюртма қилиш учун олдинги ойнинг биринчи ярми– ярим ойлик фурсат етарли бўлмаса?

Мамажон ХОЛИҚОВ,
Фарғона вилояти, Бешариқ тумани.

ЯХШИНИНГ ҚАЛБИ – ҲАЁТНИ НУРЛАЙДИ

1990 йилнинг қиш кунлари. Шаҳрисабз туманидаги ширкат хўжаликлари анча оқсоқланиб қолган пайт. Шу жумладан, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ҳам. Ўз-ўзидан равшанки, давлат режалари уддаланмагач, хўжалик қарздорлик ботқоғидан қутила олмай келарди. Кунларнинг бирида хўжалик меҳнаткашларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисга таклиф этилган туман раҳбарлари ҳам, хўжалик аъзолари ҳам Янгибоғ қишлоғида туғилиб, суяги меҳнатда қотган Азамат Боймуродовни бир овоздан раисликка сайладилар. Ишни нимадан бошламоқ лозим? Ёш раҳбар бу хусусда кўп ҳам бош қотириб ўтирмади.

Қишлоқ йигити эмасми: «Энг аввало, ерни ўз эгаларига топшириш керак, – ўйлади у ўзича. Чунки деҳқон ризқ сардори, замин заргари. У экининг ёнига орзу ҳам қўшиб экади. Агар мутасаддилар сувни, ўғитни, техникани ўз вақтида етказиб турсалар бободеҳқон орзулари ушалаверади. Халқ фаровонлиги ортаверади. Азамат буни тўғри тушуниб, хўжаликдаги 1280 гектар ерни 450 та оилавий пудратчига бўлиб берди. Бу билан у маъмурчиликни тилаб ётган кишиларни ғафлат уйқусидан уйғотди. Мўл-кўлчилик, фидокорлик, баракат ҳаракатда эканлигини ўз амалий фаолияти билан исботлади. Биринкетин оилавий пудратчилар бу усулнинг пудратини амалда исбот этдилар. Қишлоқ аҳли турмушига файз барака ёғила бошлади. Одамлар бу қадами қутлуғ раисдан хурсанд эди. Меҳнат аҳли қувончининг асосий сабаби биринчидан манфаатдорлиги ошгани бўлса, иккинчидан, қаторасига ўн йилдирки, хўжалик барча соҳалар бўйича белгиланган давлат буюртмасини ортиғи билан адо этгани бўлди. Биргина ўтган йили давлатга 1747 тонна мева, 102 тонна узум, 31 тонна пилла, 13 минг дона тухум сотилди. Натижа чакки бўлмади. 8 миллион сўмга яқин соф фойда олинди.

Юртбошимиз катта минбардан туриб алоҳида таъкидлаганларидек, эл-юртни, барчамизни боқадиган, кийинтирадиган деҳқон бу хўжаликда, ўз меҳнатидан тўла манфаат кўраяпти, унинг ҳаёти ёруғ бўлмоқда. Буни бошқа соҳалар ривожида ҳам кўриш мумкин. Бугунга келиб, ўнлаб қишлоқ оилаларида «Зангори олов» ёнмоқда Тоза ичимлик суви қувурлари ҳар бир хонадонга етиб келди. Аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш 5 фоиздан 98 фоизга етди. Хўжаликда айни пайтда 20 дан ортиқ савдо дўконлари, 15 та маиший хизмат шаҳобчаси, 9 та тегирмон, 1 та миллий кураш секцияси ишга туширилди. Хўжалик раҳбарининг бевосита ташаббуси билан Оқдарё, Товушмон қишлоқларида 2 та мактаб қурилиб ўқувчилар ихтиёрига берилди. 500 нафардан зиёд қишлоқ аҳолиси учун қўшимча ишчи ўринлари яратилди.

Азамат ака паррандачилик ва балиқчиликни йўлга қўйди. Айни пайтда эса бу тармоқлар ҳам хўжаликка даромад келтираяпти. Бундан ташқари 30 гектар ерда теракзор барпо этилди. Янгибоғ, Сарой, Қўтон, Келдиҳаёт, Сайилла, Хўжахуросон қишлоқларидаги тўққиз километрлик йўлларга асфальт ётқизилиб, ободонлаштирилди. 500 тонна мева сақлашга мўлжалланган омбор қурилиши тугалланаяпти. Бундан ташқари тадбиркор раис бошчилигида бир қатор дала оромгоҳлари, маданий-маиший муассасалар қурилиб фойдаланишга топширилди. Эндиликда эса янги мактаб, қишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа иншоотларни қуриш юзасидан иш олиб борилаяпти.

Хўжалик меҳнат аҳлининг яратувчилик ишлари билан танишиб, кечга яқин миришкорлар ҳузурида бўлдик. 20 гектарлик ғалла майдонига сув олинаётган экан. Кўм-кўк майсалар ер юзини қоплаган. Шу ерда хўжалик раиси билан суҳбатлашдик.

– Мамлакатимизда ғалла мустақиллигига нечоғли катта аҳамият берилаётганлигини биласиз, – дейди Азамат ака вазминлик билан. – Бу нақадар ҳайрли ва улуғ иш. Хўжалигимиз ғаллакорлари ҳам бу ишга муносиб улушларини қўшиб келишаяпти. Жорий йилда давлатга 1533 тонна сара дон сотдик. Келгуси йили ҳосилдорликни ошириш ҳисобига бу кўрсаткични 1800 тоннага етказамиз. Ахир фаровонлигимиз, тўю-томошаларимиз нон билан. Ғалла кўп бўлса, шубҳасиз нонимиз ҳам мўл бўлади. Хўжаликдан қайтарканман идорада учратган Синабоғ қишлоғилик муштипар она Норбиби Тўраеванинг айтган сўзлари ҳаёлимда чарх урарди: «Ўғлим, мухбир экансиз. Сиздан ўтиниб сўрайман. Менинг қизим оғир бетоб эди. Оиламизга уни даволаш учун раис бува ёрдам кўрсатдилар. Қизим тузалиб кетди. Бир умр у кишидан миннатдорман».

Ҳа, элим, юртим деб ёниб яшаётган, халқ ҳурматига сазовор бўлаётган Азамат Боймуродовнинг меҳр ёғдусидан диллар ва қалблар мунавварлашиб хўжаликнинг ҳам йилдан йилга обрўйи ортиб, тобора равнақ топиб бормоқда. Яхшининг қалби – ҳаётни нурлайди, деганлари шу бўлса керакда.

Комил САХАТОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Бўка туманидаги Барот Умаров номли ва Пискент туманидаги «Пискент» ширкат хўжаликлари заршунослари пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан олиб боришяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Бўкадаги Барот Умаров номли хўжаликнинг илғор бригадаси бошлиғи Маҳмуд Кенжаев бугун ниҳоятда хурсанд. Чунки унинг бригадаси режани ошириб уддалаган бўлсада ҳали далада ҳосил кўп.

2. «Пискент» ширкатлар хўжалигининг 1-ширкати пахтакорлари ҳам давлат режасини ошиғи билан адо этиб, айни кунларда бор ҳосилни қисқа вақт ичида териб олиш учун ғайрат кўрсатишмоқда. Бригада бошлиғи (чапдан) Дадамурод Исаев, ширкат раҳбари Рустам Фозилов ва бригадир Абдураҳим Одиловлар бу йилги натижалардан кўнгиллари тўқ.

Эркин БОТИРОВ олган суратлар.

● 22 октябрь Олий Мажлис депутатлигига бўшаб қолган ўринлар учун сайловлар куни

БИЗНИНГ НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Фарғона вилояти, 174-Бешариқ сайлов округи. Гофуржон ШЕРМАТОВ — Бешариқ тумани ветеринария бўлими бош врачи.

1959 йили туғилган. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси. Иш фаолиятини 1982 йили Бешариқ туманидаги «Яккатут» ширкатлар уюшмасининг фермасида ветеринария техники вазифасидан бошлаган. 1987-1990 йилларда шу ердаги «Бешкапа» ширкатига қарашли сут-товар фермасида мудир бўлган. Фарғона вилояти ветеринария бошқармасининг катта ветеринар врачи бўлиб ишлаган. 1991-1998 йилларда Бешарикдаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги, «Яккатут» ширкатлар уюшмасининг бош ветеринар врачи сифатида самарали фаолият кўрсатган. 1998 йилдан буён Бешариқ тумани ветеринария бўлими бош врачи бўлиб ишламоқда.

Гофуржон Шерматов қатъиятли, етти ўлчаб бир кесадиган, сўз ва иш бирлигига доим амал қилиб яшайдиган ажойиб инсон, ўз соҳасининг етук мутахассиси. Ўзининг қатор фазилатлари билан кўпчиликнинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлган.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг IV пленумида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

Сирдарё вилояти, 128-Гулистон сайлов округи. Татьяна Львовна РЮХИНА — Гулистон шаҳар соғломлаштириш маркази бошлиғи.

1954 йилда туғилган, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси. Меҳнат фаолиятини 1978 йили Сирдарё вилояти шифохонасида ақушер-гинекологликдан бошлаган. 1972 йилдан 1982 йилга қадар Мирзаобод туман марказий шифохонасида врач, бош врач ўринбосари бўлган. Сўнг 1992 йилга қадар шу шифохона туғруқхонасининг бош врачи бўлиб ишлаган.

1992-1999 йилларда Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари сифатида кенг қамровли фаолият кўрсатган. 1999 йилдан буён Гулистон шаҳар соғломлаштириш маркази раҳбари бўлиб ишламоқда. Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг депутати. Оилали, икки фарзанднинг онаси. Татьяна Львовна Рюхина малакали тиббиёт ходими ва чин инсон сифатида эл-юртнинг меҳрини қозонган.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг IV пленумида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

● Таклиф

НАВРЎЗ ВА МЕҲРЖОН ЗАМИННИНГ ИККИ КЎЗИ

«Мен доимо халқ сайилларига эҳтиром билан қарардим», деб ёзиб қолдирган эди буюк соҳибқирон Амир Темур.

Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда мустақиллик байрамининг катта халқ сайллари тарзида нишонланиши халқимизнинг ўзлигини англашга, қадимий унутилган халқ сайллари ва байрамларини тиклашга замин бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан халқ байрамларининг тикланиши халқнинг кайфияти ва руҳиятини юксак маромда сақлаб туришга хизмат этувчи кўргазмали амалий воситадирки, буларнинг заминида тинчлик, инсонпарварлик туйғулари жамулжамдир. Меҳржон ҳам Наврўз каби байрамлар ичида энг каттаси бўлиб, бир неча кун давомида Она заминга, меҳнаткаш деҳқонга таъзим сифатида нишонланган.

Меҳржон халқ сайли тўғрисида донишмандларнинг рисолаларида маълумотлар келтирилган. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида ёзилишича, «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон ҳам заминнинг икки кўзидир».

Улуғ бобомиз Абу Райҳон Беруний биз учун ғоят қадрли ва эъзозли, азалий урф-одатларимиздан бири бўлмиш Меҳржонни зўр таърифу тавсиф этгани бежиз эмас экан.

Халқимиз қадимда деҳқончиликни улуғлаш, ҳурматлаш ва эъзозлаш юзасидан йил бошида — яъни айни Навбаҳор фаслида Наврўзни нишонлаб, кузга келиб унинг давоми сифатида Меҳржонни ҳам шоду ҳуррамлик билан байрам қилган.

Баҳорда қишдан иликузди бўлиб чиққан бир пайтда орзу ва ниятлар баён этилади. Яратганнинг ўзига илтижо, мурожаат қилинади. Аллома икки мавсум байрами ҳақида ҳикоя қилар экан, баҳор билан кузда кун ва туннинг икки марта тенг келишини ёдга солади. Демак, Наврўз 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси нишонланиб, бир ой давом этса. Меҳржон эса 23 сентябрдан 24 сентябрга ўтар кечасидан бошланади. Халқимиз бу ойни мезон ойи деб номлайди.

Ота-боболаримиз Меҳржон кунларида дала ва боғларга, узум ва қовун сайлларига чиққанлар, қавм-қариндошлар бир-бирларини йўқлаганлар, бир-бирларига эҳсонлар ато этганлар, қарияларга, болаларга совға-саломлар олиб борганлар, қишга озуқалар ғамлашга киришганлар, уй-жойларини қишга тайёрлаганлар, қабристонларни зиёрат этиб, хас-чўпдан тозалаб, нураган жойларини суваганлар. Аразлашганлар яраш-яраш қилишиб, гина-қудуратни ўртадан кўтариб ташлаганлар. Ўтган авлод-аждодлар ёдга олинган...

Айни чоқда Меҳржоннинг бош мақсади — маъно-мазмуни ҳам йил бўйи катта меҳнат эвазига етиштирилган маҳсулотларни кўз-кўз қилиб, намойиш қилиш, она замин саховати-ю табиат неъматларини намойиш этиш орқали маданий-маърифий, аҳлоқий-руҳий дам олиб, хордиқ чиқаришдир. Образли қилиб айтганда, Наврўз табиат ва инсонни болаликдан чиқиб, ўспиринликка ўтиши, йигитликнинг бошланиши бўлса, Меҳржон ана шу ёшликнинг куч-қувватга тўлиши, ақл-заковатда вояга етиб, камолат касб этиши, саҳий-саховатли, мурувватли бўлишидир. Шу маънода Меҳржон — меҳр-оқибат, мурувват, саховат, камолат, донишманд кексаларга хос бардам-бақувватлилик, тетиклик, кўркамлик, саховатпешалик, дўстлик-биродарлик, донолик, мардлик, тадбиркорлик, сахийлик каби ўнлаб халқ меҳнати, тафаккури ва удумларининг олмос қирраларини намойиш қилувчи бағоят халқона байрам сайлидир. Меҳржон — Она заминнинг саховати, инсонга мурувватти демак. Куз фаслининг ҳикматлари кўп. Олтин кузни донишмандлик фасли, етуклик фасли, шукроналик ва саховат фасли деймиз.

Меҳржон — дегани меҳрли қуёш одамлар демак, ўта меҳрибон ва саховатли инсонлар демак.

Меҳржон — деганимиз ўзини эмас, ўзгалар дарди билан яшайдиган инсонлар демак. Қадимий қадриятимиз Меҳржон мустақиллик йилларида байрам сифатида сайқал топиб тикланди, ҳаёт синовларидан ўтди. Шу ўринда бизнинг айрим таклифларимиз бор:

Абу Райҳон Берунийнинг машҳур қайдлари — «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон заминнинг икки кўзи» деганига амал қилиб, Меҳржонни ҳам халқимизнинг миллий байрамлари тизимига киритиб, ҳар йили кузда уни умумхалқ байрами сифатида кенг миқёсда нишонласак айни мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу байрамни ҳам Наврўз каби ҳамма жойда тантанавор тарзда ташкил этиш, унга барча хўжаликлар, жамоаларни, ташкилотларни жалб қилиш, байрамнинг тизимлари, йўналишлари, расм-русумлари-ю урф-одатлари, анъаналари ва қонун-қоидаларини тез вақт ичида чуқур ўрганиб ишлаб чиқиш, замонамизга мослаштириш лозим...

Хуллас, Меҳржон шукроналик, мурувват ва саховат, инсонпарварлик байрамининг катта тарбиявий, маънавий-маърифий ва аҳлоқий аҳамияти ҳисобга олиниб, мустақил республикамизда ўз ўрнига эга бўлишига ишончимиз комил.

Озод замон, Озод замин, Озод Ватан шукроналик байрами — Меҳржонимизнинг Давлат мақомида юксак парвозини кўриш ҳали кўп авлодларга насиб этажакдир.

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди, элшунос олим.

ВАТАН ТУЙҒУСИ ҚАЛБЛАР ТЎРИДА

Мамлакатимиз ёшларининг «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида ўтказилган ватанпарварлик фестивали вилоятлар ва шаҳарлар оша юртимизнинг олис қишлоқлари бўйлаб қанот ёзаётир.

– Мазкур фестивал ёшларимизда она-Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат руҳи нақадар кучли эканлигини яна бир бор намойиш этди, – деди «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда «Камолот» жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими раисининг ўринбосари Ботир Омонов, – бу борада Олтинсой туманида ўтказилган фестивал ёрқин мисол бўла олади.

Мазкур туманнинг «Алпомиш» ширкат хўжалигига қарашли марказий уйингоҳда бўлиб ўтган катта анжуман халқ шодиёнасига айланиб кетди. Тадбир тантаналарида сўзга чиққан туманнинг отахонлари ёшларни юртпарвар бўлишга даъват этиш билан бирга эл тинчлиги йўлида доимо ҳушёр туришга чақирдилар.

Ўн мингга яқин томошабинни ўз бағрига олган уйингоҳда туманнинг халқ назарига тушган санъаткорлари ҳамда ширкат хўжалиги қошида ташкил этилган «Гуллола» фолклор этнографик дастаси қатнашчилари янги, театрлаштирилган дастур намойиш этишди. Куннинг иккинчи ярми эса кенг кўламдаги спорт уйинларига бағишланди.

«Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» фестивали шодлик байрамидан меҳр-оқибат, мурувват намойишига айланиб кетди. Шу куни ундан ортиқ ёш оилаларга, рўзғори ночор кимсаларга анчагина миқдорда ёрдам тарқатилди.

Қатламиз

Туғилган кун муборак! Қадрли Адҳам ДАМИНОВ!

Биз сизни иқтидорли ёзувчи ва қобилиятли журналист сифатида кўп йиллардан буён биламиз.

Сизни «Адолат» газетаси саҳифаларидаги долзарб мавзуларда чиқишларингиз ҳамон муштарийлар қалбини тўлқинлантириб келади.

Кўплаб китобларингиз эса ўқувчилар қўлидан тушмайди.

Бугун биз Сизни таваллуд топган кунингиз билан муборакбод этар эканмиз, Сизга қалбимиздаги барча эзгу ниятларни бахшида айлаймиз.

«Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Муаллифни таништирамиз:

Қурбонали Тожибоев 1953 йили Сариосиё туманида таваллуд топган. 1970 йилда Беруний номидаги Тошкент Политехника институтини, 1985 йилда Тошкент Давлат педагогика институтини, 1995 йилда Тошкент Давлат юридик институтини тугатган. У айни пайтда Тошкент вилояти давлат педагогика институтида ёшларга сабоқ бермоқда.

Истеъдодли мураббийнинг ҳуқуқий мавзуларда ёзган мақолалари республика газеталарида мунтазам чиқиб туради. Айниқса унинг «Қонунчилик — Ўзбекистон давлатининг пойдеворидир», «Конституция давлатимизнинг асосий қомуси», «Қонун ва маданият», «Сиёсий маданият» каби чуқур таҳлилли мақолаларидан ўқувчилар қатта қониқиш ҳосил қилганликларини билдирдилар.

Қурбонали Тожибоевнинг бошқа олимлар билан ҳамкорликда ёзган «Суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ ва уни амалга оширишнинг проссесуал воситаси» ва «Шахсга қарши қаратилган жиноятлар» каби ўқув қўлланмалари нашр этилиш арафасида.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Ҳар бир давр, айниқса ўзгаришлар, ислоҳотлар даври жамият олдига энг долзарб муаммоларни қўяди. Бу муаммоларни ҳал этишнинг суръати ва йўллари кўпинча жамият тараққиётини белгилаб беради. Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, умуман республикамиз тараққиёт йўли бир қатор шундай муаммоларни ҳал этишни тақозо этадики, бу муаммоларнинг кўпчилиги собиқ тузумнинг меросидир.

Шундай муаммолардан бири жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг бир мунча пастлиги бўлиб, бу муаммо бевосита собиқ тузумнинг маҳсули ҳисобланади. Чунки ҳамма учун баробар бўлган қонунларга ва уларнинг устуворлигига эмас, ягона ғоянинг зуравонлигига асосланган тузум ўз фуқароларининг ҳуқуқий маданиятини оширишдан манфаатдор эмас эди. Бунинг устига давлат ёки партия идораларининг амалдорлари томонидан қонунни менсимаслик оддий кишилар орасида қонунларга ишончсизлик руҳини пайдо қилар эди. Яхшиямки, бугун бу ўтмиш. Аммо ўша ўтмиш асоратларидан қутилиш осон кечмайди.

Аслида бизнинг халқимиз қонунга итоат этувчи халқ. Халқимиз менталитетида давлатчилик руҳи, ҳокимиятга ҳурмат руҳи етарли. Айни пайтда бу ҳурмат бир нарсани — адолатни талаб қилади. Президентимиз сўзлари билан айтганда: «Халқ вақтинча давом этаётган қийинчиликларга чидаши мумкин, лекин билиб қўяйлик, такрор айтаман: адолатсизликка чидамайди».

Кўпинча ҳуқуқий маданият муаммоларини ёритган айрим олимларимиз қонунларни билиш билан уларга итоат этиш маданиятини ажратиб беришга эътибор беришмаяпти. Биз ҳам кўникиб қолганмиз: қонунни биладиганлар ҳуқуқий маданиятли, билмайдиганлар эса тескариси, дейишга.

Аслида шундаймикин? Светафорнинг қизил чироғида тўхташ лозимлигини билмайдиган, уқимаган кишининг қоидабузарлиги хавфлими ёки шу қоидага итоат этишга бошқаларни чақириши, назорат қилиши лозим бўлган ДАН ходимининг қизил чироқни менсимасдан ўтиб кетганлиги хавфлими? Менимча, ДАН ходими фақат қоидани бузибгина қолмади. Унинг ҳаракати жамиятда қонунга ҳурматсизлик, писандсизлик кайфиятини уйғотиши мумкин. Албатта, қонунни билмаслик ҳеч кимни жавобгарликдан озод этмайди. Аммо, қонун ўз хизмат доирасига кўра уни ҳимоя қилиш лозим бўлган шахс томонидан бузилган ҳар қандай ҳолатда унинг ижтимоий хавфи кучаяди. Зеро, Президентимиз айтганларидек, «Қонунларни менсимаслик иллати бутун жамиятни заҳарлайди, давлат томирлари емирилади, чирий бошлайди».

Маълумки, биз қураётган жамиятда инсон, унинг эрки, қадр-қиммати ва шаъни энг катта бойлик, олий қадрият бўлади. Демак, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ким бўлиши ва қайси лавозимда ишлашидан қатъий назар инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини эъзозлаши, ҳурмат қилиши лозим. Ана шунга эришилган жамиятдагина ўзаро тотувлик, барқарорлик ва тараққиёт бўлади. Афсуски, буни ҳаммамиз ҳам ҳали тўла тушуниб етган эмасмиз. Чунки ҳокимият кишиси ўз хатоси учун оддий фуқародан кечирим сўрашни ҳамма вақт ҳам эплайвермайди. Масалан, баъзи судьялар суднинг жазоловчи орган эмас, адолат тарозиси, посбони эканлигини яхши билишсада, унга ҳамиша ҳам риоя қилишавермайди.

Баъзан судга мурожаат қилган фуқаро унга кўрсатилган «муомала ва эҳтиромдан» сўнг бу даргоҳга қайтиб қадам босмайди. Ахир судга фақат жиноятчилар эмас (уларни олиб келишади), ҳар қандай фуқаро адолат истаб мурожаат қилиши мумкинку! Зеро, Юртбошимизнинг «Халқ суди фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиши керак!» деган сўзлари мутлақо тўғри. Мен судлар ҳимоя қилмаяпти, деган фикрдан мутлақо йироқман. Лекин нажот сўраб келган кишига қўпол муомала қилиш, сенсираш, бақириш, дардини эшитмаслик ёки бундан ҳам баттари-таъмагирлик ҳоллари учраб тураётганлиги матбуотдан маълум-ку!

Ҳар қандай қонун биринчи ўринда жамиятнинг, унинг ҳар бир аъзосининг манфаатларини кўзлаб қабул қилинади ва шунга хизмат қилади. Шу боис шахсга, унинг қадр-қимматига ҳурматсизлик уни ҳимоя қилишга йўналтирилган қонунга ҳурматсизлик, уни писанд қилмаслик, деб қаралиши лозим. Чунки Ислом Каримов айтганларидек, «Мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқ ости қилса, мавжуд қонунларнинг ўзи обрусизланади, янаям тўғриғоғи, жамиятнинг маънавий асосларига путур етади».

Демак, ҳуқуқий маданият муаммоси фақат аҳолининг қонунларни билиши, уларга муносабати билангина чекланадиган тушунча эмас. Бу тушунча муомала маданияти, ўзаро муносабат маданияти, ҳуқуқий ахборотлардан фойдалана олиш имконияти каби жиҳатларни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳуқуқий маданият жамиятнинг умумий маданиятлилик даражасига бевосита боғлиқ. Шундай экан, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш жамиятнинг умумий тараққиётига бевосита хизмат қилади. Чунки ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир.

Қурбонали ТОЖИБОЕВ,
Тошкент вилояти давлат педагогика институти «Жаҳон тарихи ва ҳуқуқшунослик» кафедраси катта ўқитувчиси.

Тилга эътибор — элга эътибор

ЮТУҚЛАР КЎП, МУАММОЛАР ҲАМ БОР

1989 йил 21 октябрь куни «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган эди. Мана ўн бир йилдирки, халқимиз бу кунни тил байрами сифатида нишонлаб келади. Чунки ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги маданий-маънавий, сиёсий ҳаётимизда рўй берган энг муҳим тарихий воқеа бўлди. Биз ўзбек тилининг халқ ва давлат турмушидаги асосий аҳамияти ва ўрнини қайта тикладик. Шу тариқа миллатнинг, мустақил давлатимизнинг қадр-қиммати қайта тикланди ва мустаҳкамланди.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши учун халқимиз қанчалик азоб-уқубат чекканлигини ҳеч қачон унута олмаймиз. Беҳисоб қийинчиликларни енгиб ўтиш, таъна ва маломатларга, таъқибу тазйиқларга сабр-тоқат қилиш эвазига қўлга киритилган бу тарихий ғалаба натижасида ўзбек тилини чинакамига ривожлантириш, илгариги чеклаб қўйишлар ва бир ёқлама ривожлантиришдан халос этиш учун зарур шарт-шароитлар, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий асослар яратилди.

Ўзбекистон мустақиллиги, 1992 йил 8 декабрда суверен давлатимизнинг Конституцияси қабул қилинганлиги ҳамда унинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деб мустаҳкамланганлиги — буларнинг барчаси ўзбек тили янада равнақ топиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилганлигидан далолат бериб турибди.

Давлат тили ҳақидаги Қонун тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш учун кенг истиқбол йўлини очиб берди. Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бутун руҳи, мазмуни ва моҳиятида ўзбек тилининг ижтимоий вазифаларини кенгайтириш, ундан эркин, бемалол фойдаланиш, шу билан бирга бошқа миллат ва миллий тил соҳибларининг Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқларини камситмаслик ҳақидаги ғоялар устуворлик қилганлиги эътиборга сазовордир.

Мустақиллик даврида парламентимиз томонидан қабул қилинган тилга оид қонунлар ҳам, чунончи: «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг янги таҳрири (1995 йил 21 декабрь), «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонун (1993 йил 2 сентябрь) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Қонун (1995 йил 6 май) давлатимиз томонидан тил сиёсатини олиб бориш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Яқинда шаклланган парламентимиз таркибида Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси ташкил этилиши ҳам давлатимиз тил масалаларига жиддий эътибор бераётганлигининг ёркин далилидир.

Ўзбекистонда олиб борилаётган тил сиёсати тамойиллари Конституциямиз ҳамда «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқади. Бу, авваламбор, ўзбек тилининг мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти ва тараққиётидаги улуғвор аҳамияти.

Истиқлол йиллари мобайнида ўзбек тилининг нуфузи ошди, унинг амал қилиш доираси кенгайди, она тилимиз мустақил давлатимиз тили сифатида ривожланмоқда. Бугунги кунда барча вазирликлар, ҳокимликлар, идоралар, корхона ва ташкилотларда мажлислар ўзбек тилида ўтказилмоқда. Олий ўқув юртларида дарслар она тилида олиб борилмоқда, уларнинг барчасида ўзбек тили кафедралари ташкил этилган, ўрта мактаблар, лицей ва коллежларда она тили бўйича дарс соатлари кўпайтирилган. Рус тилида ўқитиладиган мактаблар ва гуруҳларда ўзбек тили ўқитилади. Иш юритиш асосан давлат тилида олиб борилаяпти. Қонунларимиз, барча расмий ҳужжатлар ўзбек тилида эълон қилинади, радио ва телевидениенинг аксарият эшиттириш ва кўрсатувлари она тилимизда олиб борилади. Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғати нашрга тайёрланаяпти, ўзбек энциклопедияси нашр этилмоқда.

Шу билан бирга, қонунда айтилганидек, «ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди». Давлатимиз умумий ўрта маълумот олишни давлат тилида, шунингдек, рус, қорақалпоқ, тожик, қирғиз, туркман тилларида ва республикада зич яшовчи бошқа миллатларнинг тилларида олиб борилишини таъминлаяпти. Ўзбекистонда рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида таълим берадиган 1906 мактаб мавжуд бўлиб, уларда 725 мингдан ортиқ ўқувчи таҳсил олмоқда.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 7-моддасида айтилган: «Давлат тили расман амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади.

Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан унга ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди.

Янги илмий асосланган атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис тегишли қўмитасининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилади».

Ўзбек тилига давлат мақоми берилишидан кузатилган мақсадлардан бири ўзбек илмий атамаларининг қўлланилиши доирасини тўла равишда тиклаш ва кенгайтиришдан иборатдир. Ўзбек тилидаги илмий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий атамаларни яратиш ва тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси томонидан амалга оширилмоқда. Шуни айтиш керакки, Атамашунослик қўмитасининг Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда атамаларни тартибга солиш соҳасида олиб бораётган ишлари атамаларнинг қўлланилишидаги турли чалкашликларни бартараф этишда самара бераётганлиги олимларимиз ва мутахассисларимиз томонидан эътироф этилаяпти.

Лекин бу борада ҳали муаммолар кўп. Масалан, Атамашунослик қўмитасининг қарорларидан бирида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида келтирилган атамаларни қўллаш тавсия этилган. Конституциямиз матнида «принцип», «норма», «норматив ҳужжат» каби атамалар ва иборалар ишлатилган. Аммо охирги пайтларда расмий нашрларда улар «тамойил», «меъёрий ҳужжат» тарзида ишлатилмоқда. Шунингдек, Атамақўм тавсияси билан «ҳокимлик» атамасини қўллаш тавсия этилган. Лекин Тошкент шаҳрининг йирик туманларидан бирида ҳокимликнинг пешлавҳасида «Юнусобод тумани ҳокимияти» деб ёзилганлигини қандай изоҳласа бўлади?

Яна бир мисол. Яқинда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларнинг вакиллари иштирокида бир йирик тадбир ўтказилди. Тадбир иштирокчилари ўз йиғилишларини якунлаб, иккита муҳим ҳужжат қабул қилишди. Уларнинг матнлари шу йил «Ўзбекистон овози» газетасининг 16 сентябрдаги сонида ёнма-ён эълон қилинди. Биз эътиборингизни фақат шу ҳужжатларнинг сарлавҳаларига қаратмоқчимиз: «Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларнинг халқаро терроризм ва диний экстремизмга биргалашиб қарши курашиш ҳақидаги қўшма баёноти» ҳамда «Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларнинг халқаро террорчилик ва диний экстремизмга қарши кураш бўйича ҳамкорликдаги амалий ҳаракатлар дастури». Бу ерда «терроризм» ва «террорчилик» атамаларининг бир вақтнинг ўзида бир тушунчани ифода этиш учун қўлланилганлиги мақсадга мувофиқ эмасдир.

Яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчи эдим. Бу ҳам бўлса Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтишдаги дастлабки қадамлар деб билиш керак, албатта. Лекин, бизнингча, бу ишларни жадаллаштириш лозим. Бинобарин, 2005 йилдан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўла ўтилишини ҳисобга оладиган бўлсак, вақт оз қолаяпти. Ҳолбуки, бу борада ҳам камчиликлар йўқ эмас. Масалан, рус мактабларида ўтилаётган ўзбек тили дарсларида лотин алифбоси ўргатилаяпти. Аммо ўқувчиларда ушбу алифбони мустақил тарзда ўзлаштириш учун имконият йўқ, чунки дарсликлар кирил алифбосида. Ўқувчиларга уй вазифалари ҳам шу дарслик бўйича берилади. Бу, бир томондан, болалар учун қийинчилик туғдиради. Иккинчи томондан, ўзбек тилини ўқитиш самарасиз бўлиб қолаяпти. Ва, ниҳоятда, учинчидан Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш ишига маълум даражада путур етказаяпти.

Тил миллатнинг ажралмас белгиси ва давлат мустақиллигининг энг муҳим рамзларидан биридир. Она тилимиз тақдири, равнақи ва унинг софлиги учун барчамиз баробар масъулмиз. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз она тилимизни асрайлик, уни эъзозлайлик, қабул қилинган қонун ва қарорларга сўзсиз амал қилайлик. Вақти келганда тилга эътибор борасида ҳаётимизда учрайдиган айрим салбий ҳолатларга бефарқ бўлмасдан ўз қатъий муносабатимизни билдирайлик.

Низомиддин НУРМАТОВ,
филология фанлари номзоди.

АРИЗА ЁЗИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Ўзбек тилида иш юритиш ҳақида айрим мулоҳазалар

Мазмунан, ҳажман ва шаклан хилма хил бўлган ариза, тилхат, маълумотнома, ишонч қоғози, тавсифнома, тавсиянома, далолатнома, буйруқ, эълон, ҳисобот ва шартнома ҳисобот, шартнома, таржимаи ҳол каби ўнлаб турдаги расмий иш қоғозлари ва ҳужжатлар фуқаро, давлат, корхона ва муассасалар ўртасидаги муносабатда ишлатилади.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, 90 йилларга қадар иш қоғозлари, ҳужжатлар асосан рус тилида юритилган. Ана шунинг ва бошқа бир қанча салбий омилларнинг оқибатида ўзбек тилининг расмий иш услуби деярли ривожланмади ва такомиллашмади.

1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши натижасида аҳвол анчайин ўзгарди. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг 8-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади...» – дейилса, 9-моддасида «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилади ва зарурияти қараб, бошқа тилларга таржима қилиниши таъминланади», – деб кўрсатилган. Бундан кўринадики, юқорида тилга олиб ўтилган узоқ йиллик иш юритиш тажрибаларига таянган ҳолда бугунги кунда ўзбек тилида мукаммал ҳужжатчилик, иш юритиш тизимини яратиш давримизнинг энг долзарб вазифасига айланди.

Бу борада кейинги йилларда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. 1990 йилда Н. Маҳмудов, А. Мадалиев, Н. Маҳкамов, М. Аминовларнинг «Ўзбек тилида иш юритиш (Муншаот)», 1999 йилда С. Усмонов, Қ. Тоҳиров, У. Ҳошимовларнинг «Ўзбек тилида иш юритиш амалиёти» номли қўлланмалари нашр этилди. Мазкур қўлланмаларда ўнлаб иш қоғозларининг ёзилиш тартиби илмий ва амалий жиҳатдан мукаммал ёритишга эришилди. Аввалларида русча-байналмилал атамалар билан номланган иш қоғозлари номларининг янги муқобиллари яратилди: чунончи, акт–далолатнома, аттестат–шаҳодатнома, автобография–таржимаи ҳол, ведомость–қайдноме, характеристика–тавсифнома, указание–курсатма, справка– маълумотнома, рекомендация–тавсиянома, доверность–ишонч қоғози, приказ–буйруқ, протокол–баённома, мажлис баёни каби. Бироқ бу борадаги амалий ишларни талаблар даражасида деб бўлмайди. Ҳозирга қадар аксарият вазирлик, қўмита, муассаса, ташкилот, корхоналарда иш қоғозлари рус тилида ёзиляпти, ўзбекчалаштирилганлари ҳам деярли аввалгидек чала-чулпа русча номланяпти.

Одатда иш қоғозлари шаклан ва мазмунан ихчам, қисқа, лўнда, содда, равон бўлиши, имловий жиҳатдан хатосиз ёзилиши лозим. Амалда қўлланаётган иш қоғозлари, ҳужжатлар бу талабларга ҳам деярли жавоб бермайди, чунки бу соҳа билан машғул кишиларнинг ва қолаверса, барчамизнинг бу борадаги уқувимиз талаблар даражасида эмас. Ваҳоланки, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги қонунининг қабул қилинганига ўн бир йил тўлди. Навбатдаги вазифа, юқорида тилга олинган камчиликларни тан олган ҳолда бу масалага асосий эътибор қаратишимиз лозим. Барча корхона, муассаса, ташкилотлардаги иш юритиш жараёнига мутасадди ходимларнинг мазкур масалага оид маълум муддатли ўқувини, қисқа қайта тайёрлов, малака ошириш курсларини ташкил этиш, олий ўқув юртларида, коллежларда «Ўзбек тилида иш юритиш» курсларини жорий қилиш, матбуот, радио ва телевидение орқали махсус кўрсатувлар, мақолалар уюштириш, мутахассисларнинг – ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларининг чиқишларини бериш лозим. Шунингдек, кўпроқ иш юритиш билан шуғулланувчи, котиб, котибларни ишга олишда, тайинлашда уларнинг билими ва савиясини ҳисобга олиш керак.

Шундагина, тилимизнинг обрў-эътибори янада ортади, унинг ўзига хос иш юритиш тизими шаклланади. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилишига эришамиз.

Феруза ПАРПИЕВА,
Наманган Давлат университети ўзбек филологияси факультетининг V курс талабаси.

● *Янги нашр*

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Профессор Назар Ражабов она тилимизнинг ҳақиқий жонкуярларидан биридир. Муаллифнинг бир неча ўнлаб ўқув қўлланмалари, монографиялари ва илмий очерклари босилиб чиққан. «Ўзбек шевашунослиги» (1996) «Ўзбек тили ва адабиёти» (2000) дарсликлари эса кутубхоналаримиз безаги, талабалар ва домлалар учун маънавий озуқа бўлиб қолди. Учрашувларимиздан бирида муаллиф «Лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзуви ва унинг имло қоидалари» дарслиги устида ишлаяпман» деган гапни айтган эди. Биз шу дарсликнинг ҳам юзага чиқишига тилакдошмиз.

«Она тили» ўқув қўлланмаси янгича бир усулда, замон талаблари асосида яратилган. Айниқса, китобда тест савол-жавоблари ўз ифодасини топганлиги таҳсинбопдир. Ўқув қўлланма олий ўқув юртлари тайёрлов бўлинмалари тингловчилари учун деб ёзилибди. Аммо унинг хизмати бу билан чегараланиб қолмайди. «Она тили» китобини «Муқаддима»дан ташқари, 33 та машғулот қамраб олган. Китобнинг охирида ўқув дастури илова қилинган. Бу ҳам маъқул иш.

Ўқув қўлланмасидаги машғулотлар «Кириш», «Фонетика», «Имло қоидалари», «Лексикология», «Ўзбек тили ва унинг тармоқлари», «Луғатшунослик», «Сўзлар ва иборалар», «Услубият», «Тиниш белгилари» каби бўлимларига бирлаштирилиб, талаблар даражасида баён этиб берилади. Ундаги айрим мавзулар бошқа қатор фанлар учун ҳам умумийдир. Масалан, «Аввал салом, кейин калом» барча турдаги мактаблар учун зарурий мавзудир. Тест усулини қўллаш ҳам биринчи бор фойдаланилмоқда. Тест савол-жавобларини муаллифнинг ўзи тузган ва улар ҳар жиҳатдан фойдалидир.

«Она тили»нинг охирига ўқув дастурининг илова қилинганлиги жуда ҳам ўринли бўлиб чиққан. Чунки, ўқув дастурисиз қўлланма ҳам, дарслик ҳам ёзилмайди.

Профессор Назар Ражабовнинг «Она тили» ўқув қўлланмаси шу номдаги дарсликнинг биринчи қисми бўлиб, унинг иккинчи қисми ҳам нашр этилса, у ҳолда тўлақонли дарслик юзага келарди.

Муаллиф камтаринлик билан уни тайёрлов курслари тингловчилари учун ўқув қўлланма деб атабди. Бизнингча ушбу ўқув қўлланмадан коллежлар ва лицейларда ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Демак китоб кенг қамровлидир.

Профессор Назар Ражабовнинг «Она тили» китоби давр талаблари асосида ёзилган муҳим ўқув қўлланмасидир. Уни ҳар қанча рағбатлантирилса арзийди. Чунки муаллифнинг салоҳияти, савияси кўпчилик мутахассисларга намуна бўларли даражада десак муболаға бўлмайди.

Карим НАЗАРОВ,
Тошкент Давлат юридик институти «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси мудири, профессор.

● *Партия ахбороти*

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ТУЗИЛДИ

«Самвилавтогаз»нинг Пастдарғом туманидаги 2-газ тўлдириш компрессор шоҳобчасида «Адолат» Социал-демократик партиясининг бошланғич партия ташкилоти тузилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган йиғилишни Ўзбекистон «Адолат» СДП туман Кенгаши биринчи котиби Зокир Яхшибоев бошқарди. Самарқанд вилоят партия Кенгашининг иккинчи котиби Ўтамурод Нурмуҳаммадов сўзга чиқиб, партиянинг мақсад ва вазифалари тўғрисида йиғилиш қатнашчиларига гапириб берди. Шундан сўнг йиғирма беш киши Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзолигига қабул қилиниб, жамоада бошланғич партия ташкилоти ташкил этилди. Унга Ботир Йўлдошев котиб этиб сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Самарқанд вилоят Кенгашининг биринчи котиби Жуманиёз Алибеков қатнашди ва сўзга чиқди.

* * *

Шундай йиғилиш Жомбой туманида ҳам бўлиб ўтди. Уни туман партия Кенгашининг биринчи котиби Сайфулла Саидов очди. Бу ерда ҳам вилоят партия Кенгашининг иккинчи котиби Ўтамурод Нурмуҳаммедов социал-демократик партия ҳақида, унинг ҳозирги кундаги фаолияти тўғрисида йиғилганларга гапириб берди. Йиғирма тўрт киши партияга қабул қилиниб, бошланғич партия ташкилоти тузилди.

Йиғилишда Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят Кенгаши биринчи котиби Жуманиёз Алибеков қатнашди.

Ўз мухбиримиз.

Очиқ турдаги «Тошкент чинни заводи» акционерлик жамияти тайёрлаётган маҳсулотлар ҳамиша талабчан истеъмолчиларнинг юқори баҳосига сазовор бўлган. Айни пайтда бу ерда Тошкент чинни пиёласидан тортиб хилма-хил чинни сервисларгача таёрланмоқда.

Суратларда: чинни буюмлари ана шундай ишчан аёлларнинг қўлида сайқал топади; акционерлик жамияти раиси Файзулла Раҳматуллаев.

● *Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллигига*

КАЛОМ ИЛМИ ҲОҚОНИ

Мамлакатимизда Абу-Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллиги кенг нишонланади. Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий Ислом динидаги сунийларнинг икки йирик оқимларидан бири бўлмиш Мотрудия оқимининг асосчиси, фикх ва калом илмининг етук намоёндаси ҳисобланади.

Буюк калом олими Самарқанднинг Мотурид қишлоғида (Жомбой туманида) туғилган бўлиб, унинг нисбаси шундан келиб чиққан. У кишининг барча устозлари жумладан, Аҳмад Ал-Жузжоний, Абу Наср Аҳмад ал-Ийодийлар машҳур олим Абу Ҳанифанинг (Имом Аъзам) талабаларидан таҳсил олганлар.

Калом илми ўрта асрларда фалсафий диний фикрларни, диннинг назарий асосларини ўрганиш, ислом ақидаларига нисбатан ақлий мулоҳаза юритиш жараёнида вужудга келган билимлар тизимидир. Калом, илмул калом атамаси кенг маънода ўрта асрлар мусулмон адабиётида диний-фалсафий мавзуларда эркин фикр юритишларига нисбатан ишлатилган. Калом илмининг белгилари: Аллоҳнинг ягоналиги ва сифатлари, инсон тақдири, ўтган пайғамбарларга иймон келтириш сингарилардир.

Ушбу белгилар асосида илоҳиёт соҳасидаги фикрларни тартибга солиш билан IX асрда Самарқандда калом мактаби вужудга келди. Унга кейинчалик Абу Мансур ал-Мотуридий Ас-Самарқандий номи берилади. Мотуридий Абу Ҳасан Ал-Ашъарий билан биргаликда эски динлар қолдиқларини батамом тугатиш ва ислом дини мафкурасини тузатишда жуда катта хизмат қилганлардан.

Ал-Мотуридий набираси Абул Ҳасан Али Ал-Мотуридий Самарқандда қозилик қилган ва Мотуридий таълимотини ривожлантирган Абу Мансур ал-Мотуридийнинг икки нафис асари бизгача етиб келган. Мутакаллим ўз асарларини ўша даврда мусулмон оламида илмий адабий тил ҳисобланган араб тилида ёзган.

Улардан бири «Таъвилот аҳл ас-сунна» асаридир. Бу асарнинг қадимий нусхаларидан бири Тошкентдаги қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Мутакаллимнинг иккинчи асари «Китоб ат-тавҳид» деб номланади. Ҳозирги пайтда бу асар Англияда қўлёзма фондларинг бирида сақланмоқда. Ал-Мотуридийнинг асарлари туркий элатларга исломий одоб, шаъриат қонунлари, маънавий аҳлоқий қадриятларни тарқатишга мўлжалланган.

2000 йилда калом илми султони Абу Мансур ал-Мотуридийнинг юбилейлари нишонланиши биз учун ҳар жиҳатдан қадрлидир.

М. ФАЙЗИЕВ,
Самарқанд вилояти Нурота тумани халқ таълими бўлимининг услубшуноси.

● *Бурхониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига*

ФИКХ ИЛМИ СУЛТОНИ

Дунё ҳуқуқий тафаккури тараққиётига улкан ҳисса қўшган, фикхнинг назариётчиси ва амалиётчиси Бурхониддин ал Марғиноний буюк ҳуқуқшунос олим бўлганлиги маълум. Мовароуннаҳрлик ҳуқуқшунослар ўзларининг чуқур билимлари, мукаммал асарлари билан жаҳон олимлари ўртасида катта шуҳрат ва обрў қозонганлар.

Фикҳшунослар орасида бизнинг бобокалонимиз Бурхониддин ал-Марғинонийнинг тилимиз ривожи ва шоирликка нечоғлик алоқаси борлиги ҳам диққатимизни тортди. Жумладан, тилшунослик тарихи тараққиётига Бурхониддин ал-Марғиноний улкан ҳисса қўшганлигига унинг «Ҳидоя» асари шоҳидлик беради. «Никоҳ китобининг «Никоҳ» сўраш ва қабул қилиш ибораларини ўтган замон феъли шаклида айтиш билан амалга оширилади» бобида феъл шакллари тилга олинади. Фикримиз далили учун «Ҳидоя» китоби таржимасидан айнан келтирамиз: «у яна томонлардан бирининг келаси замон феъли шаклидаги мурувваги ва иккинчи томоннинг ўтган замон феъли шаклида жавоб бериши йўли билан амалга оширилади».

Шунингдек, асарда турли мурожаат шакллари ҳақидаги фикрларни ҳам ўқиш мумкин. Келтирилган биргина мисолнинг ўзи ҳам Бурхониддин ал-Марғинонийнинг тилшунослик соҳасидаги хизматларини белгилаб беради.

Бурхониддин ал Марғинонийнинг шоирлиги иқтидорига келсак, у зоти боборакотнинг муболағасиз улкан сўз санъаткори дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти Қўлёзмалар бўлимидаги суҳбатларимизнинг бирида илм аҳиллари Абдулазиз Мансур, Маҳмуд Ҳасаний, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, профессор Содирхон Эркинов кабилар иштирокидаги адабий-илмий анжуманда шу нарса маълум бўлдики, Бурхониддин ал Марғиноний шоир ҳам бўлган экан. Суҳбат жараёнида Абдуллазиз Мансур 1985 йил Байрутда нашр этилган Имом Зарнужий хазратларини «Таълим ал-Мутталлим» (Илм олиш йўл-йўриғи ҳақида қўлланма) китобини оладилар-да, хазратнинг шеърларидан намуналар ўқийдилар.

Бурхониддин ал-Марғиноний шеъриятининг бизга маълум бўлган жиҳатлари нимада? Шоир энг аввало ўзи илмлар соҳиби бўлгани учун ҳам илмнинг кучи ва хосияти, олимлик қудрати ҳақида мисралар битган. Билимли киши – барча мартабаларнинг мартабалисидир, дейди. Гарчи, олим жисман ўлса-да, унинг илми абадий қолади, дея таъкидлайди:

Олим ўлса ҳамки, илми тирикдир,
Билимсиз – мурдадир тирикликда ҳам.

Билим ёруғ дунёда кишини яхши ҳислат ва хусусиятларга бошлайди. Шу сабабли ҳам ҳар бир инсон илм билан ошно бўлмоғи лозим, дея билим олишга даъват қилади. Ҳақиқий билим сўнмайдиган шуҳратга олиб чиқади:

Билим – қимматбаҳо,
Эй, ўрганувчи.
Ўргансанг, шуҳратинг
Сўнмагай ҳеч ҳам.

Билмаган нарсани сураб ўрганишдан ҳеч ҳам орланмаслик керак, аксинча, озгина ноаниқликбўлса ҳам билганлардан синчиклаб билмоқлик зарурлигини сўзлайди шоир. Бундай пухта билим кишини бахту саодатга етаклайди:

Билмаган нарсангни
Тездан ўрганғин,
Чунки билим боши
Охири ҳам бахт.

Кузатувлар шуни кўрсатадики, Бурхониддин ал-Марғиноний етук ҳуқуқшунос олим бўлишидан ташқари, тилшуносликка катта ҳисса қўшган инсон ва таъби нозик шоир ҳам бўлган.

Маликжон БОБОРАҲИМОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — МИЛЛАТ ГУЛТОЖИ

Маънавият юксалишида тилнинг ривож топиши, таълим ва тарбиянинг ўсиши ва эътиқоднинг собитлиги ниҳоятда беқиёсдир. Маънавияти юксак, одоб-ахлоқи, маърифатли, маданиятли кишиларгина шу элнинг, ўз юртининг фахри ҳисобланади. Уларда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуси кучли бўлиб, улар ўз миллати манфаатини ҳимоя қилишни ўзига шараф деб биладилар.

Юксак маънавият сари интилиш мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юртлардан бири бўлган Тошкент Давлат юридик институтида «Миллий маънавият — мустақиллигимиз асоси» мавзуида бўлиб ўтган маънавий-маърифий семинар анжуманларининг мазмунини ташкил этди. Устоз ва мураббийлар байрами арафасида бошланиб, куни-кеча ўз ниҳоясига етган ушбу семинар дарсларидан кўзланган мақсад ҳам «Устоз ва шогирд бирлиги» заминида мустақиллик маънавиятини тараннум этиш, ёшларни эркин ва мустақил фикрлашга одатлантиришдан иборат эди.

Дастлабки анжуманни 1-Ҳуқуқ факультетининг биринчи курс талабалари уюштирди. Ундаги «Мустақиллик — олий неъмат» мавзусига бағишланган бадиий-мусиқий мушоирада шоиралар Ҳосият Рустамова, Фароғат Камолова, Ҳалима Аҳмедовалар ўзларининг она-юрт, озодлик ва муҳаббат ҳақидаги шеърларидан намуналар ўқишди. Республикада хизмат кўрсатган артистлар Замира Раҳматуллаева билан Маҳмуд Номозовлар мустақиллигимизни тараннум этувчи дилбар қўшиқлари билан семинар иштирокчиларини хушнуд этдилар.

2- ва 3-Ҳуқуқ факультетларининг шу йил талабаликка қабул қилинган ёшлари тайёрлаган «Инсонпарварлик — адабиёт ва ҳуқуқнинг бош мезони», «Ватан — саждагоҳ каби муқаддас», «Оламни маҳлиё айлаган диёр» ва «Ватан юрак каби ягонадир» мавзуларидаги тадбирларда бугунги кун нафаси уфуриб турди.

Куни-кеча 3-Ҳуқуқ факультетининг 1-курс талабалари уюштирган «Маънавий юксалиш — миллат ютуғи» деб номланган очиқ мулоқот ёшлар хотирасида бир умр сақланиб қолади. Чунки айни шу анжуманда 2000 йилда талабалик сафига қабул қилинган бўлғуси ҳуқуқшуносларга талабалик гўзаллигини топшириш маросими бўлди. 2-Ҳуқуқ факультетининг декани Сотволди Бобоқулов ушбу шарафли вазифани бажарар экан, бундай бахтга мушаррафбўлган ёшларимизни қизғин табриклаб, уларга оқ йўл тилади.

Шундан кейин анжуманга ташриф буюрган Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг актёри, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов маънавий юксалишда театрнинг ўрни ҳақида гапириб, талабаларни қизиқтирган бир қанча саволларга жавоб берди. Учрашувнинг яна бир меҳмони — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори Ҳожиакбар Ҳамидов ҳам маънавият ва иқтисодиётнинг ажралмас бирлиги тўғрисида сўзлаб, ўзининг лирик қўшиқлар гулдастасини анжуман аҳлига тафрик сифатида инъом этди.

Гулчехра ХЎЖАНОВА,
Тошкент Давлат юридик институтининг ўқитувчиси.

● *Турфа олам*

ОЛМА РАКНИ ЕНГАДИМИ?

Олма таркибида саратон (рак) касаллигининг олдини олувчи номаълум зарралар борлигини олимлар кашф этгани ҳақида АҚШнинг «Натуре» журнали хабар беради. 100 грамм олмада 1500 миллиграмм С витамини бор экан, айниқса олманинг пўсти фойдалироқ экан.

Кашфиёт муаллифларидан бири Чонг Янг Ли рак бўлмаслик учун кунига 4 та олма ейишни тавсия этади.

ЎСИШ ШУ АҲВОЛДА КЕТСА...

1804 йили куррамизда 1 миллиард, 1960 йилда эса 3 миллиард аҳоли бор эди. 1999 йилнинг 12 октябрида дунё аҳолиси сони 6 миллиард кишига етди. Ўсиш шу тахлитда кетаверса, 2050 йилга бориб 10 миллиардга етиб қолсак ажаб эмас.

98 ЁШЛИ ҚОИДАБУЗАР

Бельгия жанубидаги Нивель шаҳри суди 98 ёшли автомашиналар эгасини ҳайдовчилик ҳуқуқидан умрбод маҳрум қилди. Сабаб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган.

Деярли қадам босмайдиган ва машина унга юришнинг ягона воситаси бўлиб қолган Жюль Брассер «Мени ўлдирясизлар!» деб бақирди. Суд таклиф этган экспертлар Брассер рулга ўтириши мумкин, фақат кундуз кунлари ва ҳаракат гавжум бўлмаган йўлларда, деган хулосага келишди.

Бироқ суд қонун бу сингари қўшимча шартларни назарда тутмаган, деб ҳисоблади. Ҳайдовчи ўз ҳуқуқи учун курашишга қарор қилди ва судга шикоят аризаси берди.

УЛКАНБОЙГА СОВҒА

Эстониядаги энг улкан фуқаро бўйи икки метр ва оғирлиги 235 килограммли Саарема Аларнинг қувончи чексиз: ниҳоят у эски калишини янги кросовкага алмаштирадиган бўлди.

Гап шундаки, бу улканбой 49 ўлчамли пойабзал кияди. Яхши одамлар Аларга мос оёқ кийими топилмаётгани тўғрисида «Америка овози» радиостанциясига берган хабарни эшитишдию ёрдамга шошилди: почта орқали унга яп-янги кросовка жўнатишди. Тўғри, бундай катталикдаги пойабзални топиш ҳатто Америкада ҳам қийин кечди. Радиожурналистлар жаҳон Интернет компьютер тармоғи орқали ёрдам сўраб мурожаат этишгандан кейингина топишга муяссар бўлинди.

ЭНГ БОЙ АЁЛ КИМ?

Қачонлардир энг бой ҳисобланган Буюк Британия қироличаси Елизавета II биринчи ўриндан 19-ўринга тушиб қолди.

Унинг шахсий бойлиги 2,84 миллиард доллар экан. АҚШдаги «Уол-Март» дўконлар мажмуаси соҳибининг беваси 80 яшар Элен Уолтон хоним 1-ўринга чиқди. Унинг бойлиги 43,5 миллиард долларга тенг. Иккинчи ўринни 13,5 миллиард доллар билан Франциядаги «Лъореал» атир-упа компаниясининг назорат акциялари йиғиндиси эгаси Лилиан Беттанкур эгаллади.

САХИЙ ТАЙСОН

Машҳур боксчи Майк Тайсон рингда шафқатсиз бўлса ҳам ҳаётда кўнгилчан ва ниҳоятда саҳийдир. Унинг ўз дўстига ажойиб бўйинбоғ ёки қимматбаҳо буюмни совға қилиб юбориши ҳеч гап эмас. Аммо ҳаммасидан кўра Майк дўстларига автомобиллар ҳадя этишни ёқтиради.

Яқинда Тайсон Калифорниядаги дўконларнинг биридан эски қадрдонлари учун иккита «Мерседес» машинасини харид қилди.

ГУЛ ЮЗИНГ ВАСФИГА БИР СЎЗ ИЗЛАДИМ...

Фасллар, йиллардан изладим,
Хушнафас гуллардан изладим,
Минг битта хиллардан изладим,
Қиёсинг нелардан излайин?

Лабингму ғунчалар юмилмиш,
Не учун бунчалар комилмиш,
Ё гулга юрагинг кўмилмиш,
Қиёсинг нелардан излайин?

Кўзларинг тубида не сеҳр?
Нигоҳинг оловми ё меҳр?
Қабоғинг қатида шунча сир,
Қиёсинг нелардан излайин?

Қаро тун зулфингдай қародир,
Юлдуз ўт найзалар сайодир,
Қон ашким қўлингда хинодир,
Қиёсинг нелардан излайин?

Қошингнинг хажрида қалдирғоч,
Осмонда чарх урар беилож,
Бир бора боқишинг минг хирож,
Қиёсинг нелардан излайин?

Қуёш ҳам юзингдай мунаввар,
Ёнади ҳассадан бесамар,
Уялиб ботади ҳар сафар,
Қиёсинг нелардан излайин?

Оғзингдан сочилса инжулар,
Сенингдай бўлсам дер, булбуллар,
Андалиб созими қулгулар?
Қиёсинг нелардан излайин?

Юрагим потирлар бир қушдай
Ё борман, ё йўқман эс-хушда,
Сен фақат тушдаги фаришта,
Қиёсинг нелардан излайин?

Алишер БОБОХЎЖАЕВ.

● *Табиат ва инсон*

БАШАРИЯТ НИГОҲИДАГИ МУАММО

Инсон таъсирида саҳроланиш тезлиги 1 соатда 1000 гектарни, бир йилда 7,0 миллион гектарни ташкил қилади. Ҳозирга қадар инсоният табиатга нотўғри муносабати туфайли 10 миллион квадрат километр унумдор ерларни саҳрога айлантирди. Бу бутун Ер шари қуруқлик майдонининг 6,7 фоизини ташкил қилади. Самарқанд Давлат университетида «Арид минтақаларда саҳроланиш муаммолари»га бағишланган халқаро амалий анжуман худди шу масалага бағишланди. Анжуманда АҚШ, Исроил, Белгия, Франция, Италия, Хитой ва МДҲ мамлакатларидан мутахассислар қатнашишди.

— Халқаро илмий анжуман учун Самарқанд Давлат университетининг География факультети танлангани бежиз эмас, — деди СамДУ География факультети доценти С. Аббосов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Факультетда 2 нафар фан доктори, 12 нафар фан номзодлари фаолият юритиб, уларнинг кўпчилиги ўз илмий тадқиқот ишларини саҳроланиш жараёнига бағишлаганлар. Ер юзида қуруқликнинг 30 фоизидан ортиқ майдонини саҳро ва чаласаҳролар ташкил қилади. Булар табиий йўл билан ҳосил бўлган ва ўзига хос табиатга эга. Кейинги йилларда инсон таъсирида дарахт ва буталар ёппасига қирқилиб, яйлов ерларда чўллар, саҳролар вужудга келтирилмоқда. Ана шундай жойларни саҳролашган жой ёки саҳроланиш деб аталади. Кўпчилик мутахассислар бу табиий жараённи «у ёки бу ҳудудда ўсимлик қопламининг қайта тикланмайдиган даражада йўқолишидир» деб таъриф беришади.

Олимнинг таъкидлашича, ҳозирги пайтда саҳроланиш жараёни дунёнинг қуруқ иқлимли ҳудудларида яшовчи 1 миллиардга яқин кишилар ҳаётига хавф солиб турибди. Шулардан 100 миллион киши унумдор ер ва яйловлардан ажралиш хавфи остида турибди.

—Ўрта Осиё дунёдаги энг катта чўл ва чала чўл ҳудудларидан ҳисобланади,— деди С. Аббосов.— Аҳолиси 50 миллиондан зиёд бу ҳудудда кишилар дарё водийларида, воҳаларда зич жойлашган. Аҳолининг йиллик ўсиши бир миллионга яқин. Ер заҳиралари катта бўлишига қарамасдан Ўрта Осиёнинг текислик ҳудудида сув ресурслари чегараланган. Сув билан боғлиқ ҳолда аҳоли нотекис тақсимлангани боис «антропоген юк» ҳам бир хил эмас. Аҳоли зич яшайдиган жойлар атрофларида саҳроланиш жараёни йилдан йилга кучайиб, кенгайиб бормоқда. Илмий анжуманда минтақамиз мамлакатлари олимлари ана шу муаммоларга кўпроқ эътибор қаратишди.

ҚАҲҚАҲА

Ҳаракат тезлиги соатига 40 километргача чекланган эски йўлда ДАН ходими қоидабузарни тўхтатиб, протокол тузяпти.

– Соатига юз километр тезликда келаётган эди, деб ёзиб беролмайсизми? – илтимос қилди ҳайдовчи.

– Нимага керак бу? – ҳайрон бўлди ДАН ходими.

– Мана бу шалоғи чиққан машинамни қиммат-роққа сотмоқчийдим.

* * *

Икки қадрдон учрашиб қолишди.

– Жуда хомуш кўринасан. Нима бўлди?

– Тишим оғрияпти.

– Дўхтирга бор, кўрсат.

– Кўрқаман.

– Бўлмаса, станцияга бор. Сим топиб бир учини тишингга, иккинчи учини поездга боғла. Поезд силжиши билан қутуласан.

Орадан икки кун ўтгач, улар яна учрашиб қолишди.

– Қалай аҳволлар? Тишинг тузукми?

– Олтитасидан қутулдим.

– Олтита тишдан-а?!

– Олтита вагондан. Ҳаммасини узиб ташладим. Тишимни эса машининст суғуриб олди.

* * *

Бир кампир дўхтирга деди:

– Тиббиёт мислсиз ютуқларга эришди. Ёшлигимда ечинишга тўғри келарди, энди эса тилимни кўрсатсам бас.

* * *

– Коля, нега сенинг ойинг уззу-кун тўшакдан турмайди. Касалми?

– Касал эмаслар. Диванни дадам сотиб ичиб қўйишларидан кўрқиб ётибдилар.

* * *

Имтиҳон пайтида ўқитувчи талабадан сўради:

– Имтиҳон нима эканини биласизми?

– Бу фан тўғрисида икки ақлли одамнинг ўзаро суҳбати .

– Агар улардан бири аҳмоқ бўлса-чи?

– У ҳолда иккинчиси стипендиядан маҳрум бўлади.

* * *

– Сен хотинингни жинни, деб ҳақоратлабсан, – деди онаси ўғлига, – ҳозироқ унинг ёнига бориб, бу ишинг учун афсусда эканлигингни айт.

Ўғил хотини ёнига бориб онасининг амрини бажо келтирибди.

– Азизам, сен жинни бўлиб қолганингдан жуда афсусдаман.

* * *

Кекса ўғри ўлим олдидан дўстига васият қиляпти.

– Юз минг доллар турадиган бриллиант тўғноғични дўстим Карлга васият қиламан...

– Тўхта! – деди Карл. – Ўша тўғноғич қаерда?

– Банкир Шмидтнинг ётоқхонасида, кичкинагина шкафчада, агар деразадан тушсанг, чап томонда.

* * *

Қабулга келган беморга шифокор деди:

– Сиз кўпроқ очиқ ҳавода сайр қилинг, танангизни чиниқтиришингиз керак. Дарвоқе, ўзи касбингиз нима?

– Почтальонман, дўхтир.

Жиноят ва жазо

ТАЛОНЧИ ҲАМСОЯ

ёхуд қутурган босқинчилар

Уч улфат — Аҳмад Хидиров, Аҳлбек Халилов ва Маҳмуд Қамбаралиевлар пойтахтимизнинг 6-«Қорасув» даҳасидаги оромгоҳларнинг бирида ўзаро гурунглашиб утиришибди. Суҳбатларининг мавзуси қандай қилиб бир зумда бой бўлиш! Баҳс қизигандан қизиган бир пайтда Аҳлбекдан ғоят ақлсиз гап чиқди!..

— Бой бўлишнинг энг осон йўли милиция ходимларининг уйига ўғриликка тушиш. Негаки уларда пул кўп бўлади!

Буни қарангки, исми Аҳлбек бўлса ҳам аҳмоқона гап айтган бу нодоннинг таклифи оёғининг остидан нарини кўролмайдиган нодон улфатларига маъқул тушди.

— Бизнинг шундоққина қўшнимиз милиционер, — деди Аҳмад Хидиров. — У Шайхонтоҳур тумани ИИБда терговчи бўлиб ишлайди. Агар хоҳласаларинг ўшанинг уйини «супириб» чиқамиз! Лекин билиб қўйларинг, у мени танийди!

— Э, шунга ҳам отагўри қозихонами? Танигани билан ҳеч кимга айтиб беролмайдиган қилиб кетамиз!

— Унда бошқа гап. Хўш, ишни қачон ва нимадан бошлаймиз?

—Қанча тез бошласак шунча тез бойиймиз. Нимадан бошлашга келсак шароитни ўрганишдан бошлаймиз-да!

— Унда қулай фурсатни ўзим айтаман!

Орадан тўрт кун ўтгач эрталаб уч шумқадам Аҳмад Хидировнинг ўша қўшниси яшайдиган уй қаршисида йиғилишди. Қарашса, бир аёл икки нафар ёш боласини боғчага олиб кетаяпти. Шунда Аҳмад шериклари-га уни кўрсатиб:

— Мен айтган милиционернинг хотини шу, — деб шипшиди.

Улар аёлга салом бериб ғоят «боадаб» болалар эканликларини намойиш этишди. Кейин эса унинг боғчадан уйига қайтишини пойлашди. Ниҳоят аёл қайтди. Келишувга биноан Аҳлбек ва Маҳмуджон 6-7 қаватлар оралиғидаги зинага жойлашишди. Аҳмад 5-қаватда жойлашган 15-уйнинг эшик қўнғироғини босди:

— Опажон, ўртоқларим келишувди. Агар иложи бўлса видеокассетангизни бериб турсангиз...

— Хўп, қўшнижон, ҳозир олиб чиқиб бераман! — Холида Саломова шундай дея куча эшикни очиқ қолдириб, ичкарига кириб кетди. Худди шу пайтни қулай фурсат деб кутиб турган зинадагилар уйга кириб, бекиниб олишди. Хонадон соҳибаси кассетани олиб чиқиб остонада турган қўшнисига узатаркан, унинг ортидан чўзилган қўл оғзини беркитди. Бу Аҳмад Халиловнинг қўли эди!

Босқинчилардан бири аёлнинг бошини орқасига эгиб турди. Иккинчиси бўйнига пичоқни тиради:

— Қани айтчи, пуллар қаерда!

— Бўйнига пичоқ тиралиб турган аёл дир-дир титраганча девор шкафнинг «бар»ига ишора қилди. Босқинчилар аёл кўрсатган жойдан бир даста сўмларни олишди. Бироқ бунга қаноат қилишмай, яна пул талаб қилишди. Аёл сумкасидан бор сўмларни олиб берди. Очофат талончилар шундан кейин аёлнинг қулоғидаги бриллиант кўзли зиракни ечиб олишди.

— Энди долларларни топиб бер!— ўшқиришди улар бечора аёлга.

— Бизда доллар йўқ!

Аёл шундай дея додлаб, ёрдам сўрашга урониб кўрди. Аммо ёвузлар уни ўлдириш билан қўрқитиб унини ўчиришди. Кейин ошхонага олиб чиқиб, болалар колготкаси билан оёқ-қўлини боғлаб ташлашди-да, яна сўроққа тутишди.

— Нина қаерда?

— Нинани нима қиласизлар?

— Кўйлагим йиртилиб кетибди, тикиб оламан!

Аёл нинанинг қаерда туришини айтди. Босқинчилар уни олиб бечора жабрланувчини ўлдириш мақсадида унинг қулоқлари ортидаги уйқу қон томирига нинани бир неча бор санчишди.

Шундан кейингина излар босилди деб ўйлаб ташқарида пойлоқчилик қилиб ўтирган Аҳмаднинг олдига чиқишди. Шунда Аҳмад:

— Ўлдиридиларингми, —деб сўради.

— Йўқ, ўлдирмадик!

— Ахир, у мени танийдику! Борларинг, ўлдириб чиқларинг!

Икковлон яна ичкарига қайтиб кириб, аёлни ошхонага киритиб, унинг ҳонадони кўп қаватли уйда жойлашганлиги, бошқаларнинг ҳаёти учун ҳам хавфли бўлишига қарамай газ кранини ланг очиб, чиқиб кетишди. Режаларига кўра ошхонага газ тўлиб портлаши лозим эди. Лекин бу фожиа рўй бермади. Сабаби, улар газ крани деб ўйлаб, иссиқ сув кранини очиб кетишган эди...

Босқинчилар ана шунақа ваҳшиёна усул билан Саломованинг қулоғидан ечиб олган қиймати 800.000 сўмлик бриллиант кўзли зиракни бир нотаниш аёлга 22.000 сўмга сотиб Амир Темур ҳиёбони ҳудудидаги емакхоналардан бирида маишат қиладилар. Умарманинг қолган қисмини эса ўзаро бўлиб олишади. Лекин қилар ишни қилиб қўйган бу ярамасларнинг кўнгли нотинч эди. Негаки улар талончилик қилган ҳонадонда ҳам юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган кишилар яшарди-да! Шунинг учун ҳам улар Амир Темур ҳиёбонидан туриб жабрланувчининг уйига қўнғироқ қилишди:

— Агар биз ҳақимизда бирор кишига гуллаб қўйсанг, ё милицияга арз қилсанг, билиб қўй, ҳаммангни бир зумда ўлдириб кетамиз!

— Бу гапни эшитган Холи-ҳоҳлашмади. Ҳар уччовлари ҳам жирканч нобоғ ишларга бош суқиб судланган бўлишларига қарамай тавбаларига таянишмади. Улар зўравонлик билан ўзгалар мулкига эгалик қилишга хомтама бўлишди.

Кунларнинг бирида пойтахтимиздаги Олимпия даҳасига жойлашган 14-уйнинг 12-хонадонида Собир Ғаниевнинг бошига сабзи тўғраш учун мўлжалланган тахта билан уриб, унга тан жароҳати етказишди. Кейин эса бечоранинг ёнидаги 6000 сўм пулини умариб, ўзаро бўлиб олишади. Бу текин пул уларни янада қутуртиради. Учовлон жиноий ҳаракатларини давом эттириб Содиқ Ғаниевга ҳам қаттиқ озор берадилар. Золимлар Андижон шаҳридаги 1-микротуманда жойлашган кафеда ароқхўриклар қилиб ўтириб, қабиҳ режаларини тузадилар. Унга кўра Содиқ Ибрагимовни А. Раҳмоновга ўн минг АҚШ доллари миқдорида берган қарзидан воз кечтиришлари керак эди. Бунинг эвазига эса жиноий гуруҳнинг ҳар бир аъзосига Раҳмонов 2000 АҚШ доллари миқдорида «хизмат ҳақи» берадиган бўлди.

Жиноятчилар Содиқнинг укаси Собирни учратиб, унга акаси берган ўн минг АҚШ долларини Раҳмоновдан Тошкент шаҳрида олиб берамиз деб ишонтиришди. Алданган Собир Раҳмонов ижарада турган Олимпия даҳасидаги 14-уйнинг 22-хонадонига боради. Бироқ ишнинг чаппасига кетганидан таажжубга тушади. Бу орада Эргашев, Мадазимов ва Жўраевлар бир иқсирт ёқадан бош чиқариб Собирни А. Раҳмонов Содиқ Иброҳимовдан олган ўн минг АҚШ долларидан воз кечишга мажбур этишади. Жабрланувчи рози бўлмагач эса унинг оёқ-қўлларини боғлаб калтаклашади ва қон томирларига шприц билан ҳаво юбориб ўлдиражакларини айтиб, қўрқитадилар. Натижада Собир қўп қаватли уйнинг 4-қавати балконидан ўзини пастга ташлаб юборади.

Шундай қилиб жиноий гуруҳ аъзолари Раҳмоновдан оладиган 2000 АҚШ долларидан қуруқ қолишади. Шугина эмас, улар одил суд томонидан қилмишларига яраша жазоларга ҳам мубтало этилдилар. Рафуқжон Эргашев 18 йилга, Еқуб Мадазимов 18 йилу олти ойга, Анваржон Жўраев эса 17 йилга озодликдан маҳрум этилдилар. Уларнинг ҳаммалари ҳам энди бу жазоларни қаттиқ тартибли колонияда ўтайдилар.

Боз устига, ўзгалар мулкига кўз олайтирганликлари учун ҳам ўз мулклари давлат фойдасига мусодара этилди.

Илҳом ҚОБУЛОВ,
Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари.
Мурод КАЛОНХОНОВ,
«Адолат» мухбири.

ПОКЛИК «РАМЗИ»

ёки «муллавачча» либосидаги муттаҳам

Эскидан гап бор: мулланинг айтганини қилу, қилганини қилма! Дарҳақиқат, тили бошқа, дили бошқа одамлар имон ҳақида, эътиқод ҳақида сафсата сотиб, дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёш-яланглари ислом динининг мазмун-моҳиятини бузиб талқин этаётган «Ҳизбут-таҳрир» каби диний оқимларга жалб этишга уринишяпти.

Ўттиз беш ёшни уриб қўйган Ахат Орипов ҳам ўзича поклик «тимсол»ларидан диний оқимга ёшларни даъват қилиб юрганида қўлга олинган, республика Президентининг Авф тўғрисидаги Фармонига кўра, қилмишидан пушаймонлиги, бошқа бу ишларни такрорламаслиги тўғрисида сўз бергани учун жиноий жавобгарликдан озод этилганди.

Озод бўлганидан кейин у «юқори идоралардаги таниш-билишлари қўллаворгани ҳақида» мақтана бошлади. Таниш-билишлари бисёр, қўли узун Ахатнинг таърифи З. Исмоилованинг ҳам қулоғига етди. Унинг эри Ғ. Исмоилов ҳам ғайриқонуний диний оқимларга мансубликда гумонланиб, ҳибсга олинган, уни қутқариш учун ҳар нарсага тайёр аёл қайноғаси Шавкатжон орқали Ахат билан «боғланди».

— Катталар билан ўзим гаплашиб бераман. Эрингиз ўн-ўн беш кунда чиқади, — деди у. Зулфияхон ҳам Шавкатжон ҳам «мулла» Ахатнинг сўзларига чиппа-чин ишонишди. Ў эса, ичида ўзича тахмин қилди: менга ўхшаб пушаймон бўлиб ариза ёзиб беришса, барибир қўйиб юборишади, ўз оёғи билан келиб турган луқмадан қайси аҳмоқ воз кечади!

— Бу иш жуда нозик, — деди сўнгра уларга. — Ман ўртада воситачиман, холос. Пича узатмасак кўндириб бўлмайди.

Аёл кўнгач, Ахат дангалига кўчди:

— 2000 доллар топиб келсаларинг, икки ҳафтада Ғайратжон уйида бўлади...

Бечоралар таниш-билишларидан қарзга пул суриштиришга киришишди. Қўшнилари А. Мақсумов қўли очиқ, зарур бўлса, йўқ демасди, 580 минг сўм санаб берди. Қ. Ғофуров эса 112 минг сўм топиб берди.

Қайноға-келиная Ахат билан келишилгандай Навоий мавзесидаги бозорча ёнига бориб туришди.

— Икки минг тополмадигу, минг долларча опкелдик, — деди Зулфия. Ахат етти юз минг сўмни олиб, «Ғайратжон уйда деяверинг», деб уларни чиппа-чин ишонтириб, кўздан ғойиб бўлди. 700 мингдан 200 мингини бир йил аввал қарз олган, ҳозир қамокда ётган яна бир «сафдоши»нинг онасига элтиб берди. Ў қамокдан туриб Ахат ўзидан қарз олганини ёзиб юборган, онаси ўша қарзни сўраб қўймаётганди. Қолган пулни эса тижоратга сарфлади. Яна бир танишини лақиллатиб, 200 қоп Қозоғистон унини сотиб, пулини қилиб беришга кўндирди.

— Менинг уйимга боришганида Зулфияхондан олган пулларни ишлатиб қўйгандим, 650 минг сўм унни пули бор эди, — дейди фирибгар ўз қўрғазмасида. — Ўша пулни олиб бердим...

Ахат «гаплашиб қўйганман, эртага чиқади, индинга чиқади», деб З. Исмоиловани икки ой лақиллатиб юрди. Ниҳоят унинг гаплари алдовдан бошқа нарса эмаслигига ақли етган З. Исмоилова ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилди...

Ушбу жиноят иши жиноятчи яшаб турган жойда — Қўқон шаҳар Навроз маҳалла фуқаролар йиғинида муҳокама этилди. Қўқон шаҳар прокурори О. Султонов, шаҳар ИИБ бошлиғи А. Қундузов биринчи марта «Ҳизбут-таҳрир»га қўшилиб қолганида Президент Фармони билан авф этилган А. Орипов ўзига тегишли хулоса чиқариб олмагани, энди фирибгарлик қилиб бировларни қон қақшатганини сўзлаб бердилар.

«Ҳизбут-таҳрир»нинг бу каби нопок «намоёндаси» ушбу диний оқимнинг ўзи ҳам алдов ва фирибгарликлар асосига қурилганини яна бир бор намойиш этди.

Иброҳимжон ИСМОИЛОВ,
Қўқон шаҳар прокурорининг ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси.

ҲИКМАТ

● Ваъдага вафо қилмайдиган кишини яхши кўришдан кўра хавфлироқ ва яхшилик қилсанг билмайдиган одамга яхшилик қилишдан зиёнлироқ нарса йўқ.

«ОБУНА — 2001»

«Адолат» — Сизнинг газетангиз.
Унга ўз вақтида обуна бўлишни унутманг!
Барча алоқа бўлимларида газетага обуна қизғин давом этмоқда.
«Адолат»нинг нашр кўрсаткичи — 100.

МАСАЛ

–Бормисан, Ҳақиқат?

– Нега йўқ бўлай, доимо борман. Мени ким астойдил изласа – албатта топади.

У ҳақиқатни гапирарди.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Адолат
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Т.О.ДАМИНОВ, А. F. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ҲАЙДАРОВ, К. РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Д. К. ҚИРҒИЗБОЕВ (Бўлим мудири), Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, М. КАЛОНХОНОВ (Бўлим мудири), А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, С. СИРОЖИДДИНОВ (Бўлим мудири), Н. НУРМАТОВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Илҳом СИДДИҚОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 937, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босмага топшириш вақти—20.00. Босмага топширилди

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.